www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 2-aprel № 42 (2923) shanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Ватан ҳимоячилари юртимизнинг минг йиллик тарихи давомида улуғланиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

● *Ҳамкорлик уфқлари*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан фаолиятга янгича ёндашган ҳолда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, энг оммавий жамоат ташкилотининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидаги иштироки ва фаоллигини ошириш, бу орқали ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фикримиз далили сифатида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси кенгаши билан 2011-2012 йиллар учун қабул қилинган қўшма тадбирлар режасини келтириш жоиз.

Инсон манфаати – олий қадрият

Куни кеча ушбу йўналишда яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Республика ҳудудларида янги боғлар ташкил этиш, мавжуд боғларни қайта таъмирлаш, баҳорги мавсум давомида боғларда агротехник тадбирларни амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Қўшма қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари раислари, ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари бошлиқлари, ҳудудлардаги ҳар бир туманга эса касаба уюшма фаоллари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими вакиллари масъул этиб бириктирилди.

Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги яроқсиз боғларни қайта таъмирлаш, янги боғлар барпо этиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланилишини ташкил этиш ишлари ҳам масъуллар эътиборида бўлади. Мавжуд боғларда агротехник тадбирлар ўтказиш, яъни қатор орасини ҳайдаш, суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш ҳамда ҳашарот ва зараркунандаларга қарши ишлов бериш ишлари юзасидан мониторинг олиб борилади.

Баҳорги мавсум давомида боғларда агротехник тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳудудларда янги боғлар яратилиши ва мавжуд боғлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш бўйича ҳудудий Ишчи гуруҳлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу гуруҳлар таркибига қишлоқ хўжалик ташкилотлари, хусусан, Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти филиаллари ҳамда бошқа ташкилотларнинг малакали мутахассислари жалб этилади. Айни кунда Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ходимлари билан биргаликда баҳорги мавсум давомида боғларда бажариладиган агротехник тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, янги боғларни барпо этиш, мавжуд боғларда дарахтларга шакл бериш, буташ, сийраклаштириш, боғ қатор ораларини ҳайдаш, суғориш учун эгатлар олиш ишлари қизғин бормоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

● *Ватан ҳимояси – муқаддас бурч*

Андижон шаҳридаги Бобур майдонида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ҳарбий либосда саф тортган йигитларнинг ҳаяжон тўла юз-кўзларида Ватан ҳимоясидек шарафли бурчни ўташдан фахрланиш ҳисси намоён эди. Маросимда ҳарбийлар, аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат

● *Олий Мажлис Сенатида*

Маҳалла раислари сайлови олдидан

Шу йил май-июн ойларида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати тугаши муносабати билан фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. 31 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг ушбу сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси биринчи мажлиси ва Миллий матбуот марказида журналистлар учун мавзу юзасидан брифинг бўлиб ўтди.

— Маҳалла раисларининг сайлови ҳақиқий демократия, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, жойлардаги мавжуд камчиликларга нисбатан талабчанлик ва муросасизлик мактабига айланиб қолмоқда, — деди сенатор, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов. — Маълумки, аввалги сайловларда 9981 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 85 минг нафардан ортиқ маслаҳатчилари сайланган эди. Бу йил 10 минг нафарга яқин раис ва 98 минг маслаҳатчи сайланиши режалаштирилмоқда.

Сенат кенгашининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси мажлисида мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жумладан, маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилгани таъкидланди. «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунларда маҳалла бошқарувининг ҳуқуқий асослари, унинг ваколатлари ва вазифалари белгилаб қўйилган.

Брифингда Олий Мажлис Сенатининг Матбуот котиби М.Исомов ва Сенатнинг суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Ўз мухбиримиз

● *Касаба уюшма ташкилотларида*

Касаба уюшмалари жамият ҳаётининг бир бўлаги сифатида ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш учун масъулдир. Халқ таълими тизимида ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, жамиятдаги мавқеларини кўтариш, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жамият ҳаётини ислоҳ қилишда қатнашишларини таъминлаш, касаба уюшма ташкилотлари фаоллигини янада ошириш каби долзарб масалалар Наманган шаҳар таълим муассасалари касаба уюшмалари раислари иштирокида ўтказилган ўқув-семинарида атрофлича кўриб чиқилди.

Кенгашиб олинди

Ўқув-семинарда 78 та мактаб ва мактаб-интернат, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 20 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда бошқа муассасалардан келган касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этдилар. Наманган вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Р. Деҳқонова Президентимиз маърузаларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳақида гапириб, иштирокчилар диққатини навбатдаги вазифаларга қаратди. Семинар ишида иштирок этиш учун таклиф этилган шаҳар молия бўлимидан В. Абдурахимов, шаҳар ғазначилик бўлими бошлиғи К. Юсупов ва бошқаларнинг маърузалари ҳам мароқ билан тингланди.

Тадбир қизиқарли ва жонли мулоқот, ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтди.

Р.ҚИРҒИЗОВ,
Таълим ва фан ходимлари Наманган шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Янги кун янгиликлари

Ёшлар ишли бўлишади

Иштихон туманида бу йил 5790 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Мазкур иш ўринларининг аксариятини касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан тўлдириш кўзда тутилмоқда. Ҳудуддаги мавжуд 9 та коллежни 3528 нафар ёшлар турли мутахассисликлар бўйича битиради. Иштихон МТП маъмурияти транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 25 нафари учун ҳозирдан иш жойи тайёрлаб қўйди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Яна бир қулайлик

Учқудуқ туманидаги «Бақожон-шоҳ» фирмасига қарашли «Маҳлиё» корхонаси аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Россия технологияси асосида 35 турдаги макарон маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

Сифатли маҳсулотлар арзон ва харидоргирлиги билан ажралиб туради. Ҳозирда маҳсулотлар нафақат Учқудуқ, балки қўшни туман бозорларига ҳам етказиб берилмоқда. Ўнга яқин ёшлар эса иш жойига эга бўлишди.

Еркин ЕРМАКБАЕВ

Хусусий шифохоналар

Бухоро шаҳридаги «Насриддин — Шамсмед» хусусий клиникасининг раҳбари Иброҳим Насриддинов ўз сармояси ва банк кредити эвазига замонавий тиббий жиҳозлар харид қилиб, беморларга ташхис қўйиш, уларни даволашда юқори самарани таъминламоқда.

10 киши ишлаётган клиникада фаолиятни янада кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари очиш, замонавий тиббий жиҳозлар сотиб олиш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда вилоятда терапия, гинекология, стоматология ва диагностика йўналишлари бўйича хусусий шифохоналарни кўпайтириш борасида саъй-ҳаракатлар давом эттириляпти.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

● *Замонамиз қаҳрамонлари*

Пилладан тилла яратаётган аёл

«Жиззах — Кўҳинур» хусусий фирмасига қарашли пиллани қайта ишлаб чиқариш ипакчилик фабрикасида бир йилда 300 тонна пилла қайта ишланади. Шундан 70 тоннаси ипак калава ҳолида ишлаб чиқарила бошлагач, касаначилик асосида адрас ва тикувчилик цехи фаолиятига ҳам йўл очди. Таҳсинга сазовор жиҳати бу, фабрикада маҳаллий йигит-қизлардан 300 нафардан ортиғини иш билан таъминлаш имконини берди. Фабрика раҳбари Холисхон Бобоева ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошираётган тадбиркор аёллардан. Бу аёл билан «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг якуний босқичида танишиб қолдим.

Дастлаб, ўз фаолиятини қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган тадбиркор ҳозирда аҳолига кенг кўламда хизмат кўрсатиб келмоқда. Корхонада меҳнат қилаётганлар ўртача ҳар ой 300 минг сўм иш ҳақи билан таъминланган. Тўртта одамнинг бошини қовуштириб, уларни элга наф келтириш йўлида меҳнат қилишга ундаш осон иш эмас, албатта.

Дарҳақиқат, инсоннинг ишида унум бўлсагина унинг кўнгли хотиржам тортади. Насиба Эшбекова, Мунира Эргашева, Райхона Суннатова, Барно Ўразалиева, Назира Раҳмонқулова каби кўплаб жиззахлик қўли гул тикувчи қиз-жувонларни бирлаштирган бу марказнинг порлоқ келажагини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Ҳар бир тадбиркор ўз ишини ишлаб чиқаришдан бошлаши керак, — дейди Холисхон Бобоева. — Бир вақтлар пилламиз бошқа вилоятларга арзон-гаровга сотилиб кетарди. Шу пиллани ўзимиз қайта ишласак бўлмайдими, деган фикр жуда кўп марталаб айтилса-да, бу машаққатли юмушни зиммасига оладиганлар кам бўлди. Мана, кўриб турганингиздек, бу ният амалга ошди.

«Замонавий технологияларни қишлоқ хўжалигида тарғиб қилишга қўшган ҳиссаси учун», «Йилнинг энг яхши тадбиркори», 2010 йилнинг «Энг яхши солиқ тўловчиси» ҳамда Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти вакиллиги томонидан «Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» номинацияси бўйича бир қанча танловларда ғолиб деб топилган Холисхон Бобоева бахти кулган инсонлардан. Интилганга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да.

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган суратлар

Ishonch

2011-yil 2-aprel № 42 (2923)

●Ўқув-семинар

Мамлакатимизда таълим соҳасини жаҳон андозаларига мослаштиришда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ўрни бор. Ўз сафларида миллатнинг энг илғор кишиларини бирлаштирган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши аъзоларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ўқув дастурлари ва дарсликларида узвийлик, узлуксизликни таъминланишида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг мавзуни осон, тез ва сифатли ўзлаштиришида кўмак беради. Икки йилдирки, республика умумтаълим мактабларига ёрдам бериш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва тармоқ Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

«Устоз-шогирд» мактаби янги босқичда

— Амалга оширилаётган ишларни ривожлантириш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш билан боғлиқ бўлиб, устоз ўқитувчилар тажрибасидан самарали фойдаланиш, пировардида эса таълим самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришни тақозо этади. Халқ таълими тизимида ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, ёш ўқитувчиларга тажрибали мураббийларни бириктириш ниятида «Устоз-шогирд» мактаби йўлга қўйилган, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Мурoджон Шарифжонов. — Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг қўшма қарорига асосан таълим тизимидаги илғор устозлар ва уларнинг қобилиятли шогирд-ўқитувчилари учун 23-29 март кунлари «Бўстон» санаторийсида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда республика умумтаълим мактабларининг 160 нафар устоз-шогирдлари иштирок этди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад «Устоз-шогирд» мактаби илғор вакилларининг соғлиқларини тиклаш, маданий дам олишларини ташкил этиш ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган янгиликларни уларга етказиш, ўқув дастурлари ва дарсликларининг мазмун жиҳатдан ўзаро мутаносиблигини таҳлил қилишдан иборатдир. Тадбир давомида иштирокчилар назарий билимларини ошириш билан бирга, сиҳатгоҳда дам олиб, соғломлаштирилди.

Семинар иштирокчилари учун ажратилган йўлланмалар асосан тармоқ Марказий кенгаши бюджети ҳисобидан қопланди.

Шунингдек, ўқув-семинар дастури доирасида қатнашчилар учун «Халқ таълими тизимида таълим-тарбия сифатини янги босқичга кўтариш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва навбатдаги вазифалар», «Ўқув дастурлари ва дарсликларни мазмун жиҳатдан мутаносиблаштириш ҳамда экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида» давра суҳбати ташкил этилди. Иштирокчилар фанлар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда дарсликларни экспертиза қилиш мезонлари ва жадваллари билан танишишди. Олимлар ва дарслик муаллифлари билан учрашишди. Ижодий гуруҳлар 2011-2012 ўқув йили учун қайта нашр қилинадиган 1-, 4-, ва 5- синфларнинг дарсликларини экспертизадан ўтказиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва хулосаларини тайёрладилар. 2012-2013 ўқув йилида нашр қилинадиган дарсликлар ҳақида ҳам билдирилган таклифлар умумлаштирилди.

Ҳар бир таклиф мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилди.

Семинарда педагог ходимларни меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, таълим соҳасини ривожлантириш, тармоқ ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва навбатдаги вазифалар бўйича кенг тушунча берилди.

Иштирокчилар учун Қатағон қурбонлари хотираси ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейларига саёҳат, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. «Энг зукко устоз» номинацияси бўйича иштирокчилар ўртасида танлов ҳамда ижодий кеча уюштирилди. Ўзбек Миллий академик театрида спектакл томоша қилишди.

Тадбир якунида иштирокчиларга Халқ таълими вазирлиги ва тармоқ Марказий кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

●Пленум

Устувор вазифалар муҳокамаси

ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари II пленуми бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда 2010 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузалари, шунингдек, Федерациянинг V Курултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари атрофлича таҳлил қилинди.

Мавзу юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўлими мудири Маҳмуд Исаев сўзга чиқиб, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш самараси ўлароқ касаба уюшмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига мамлакатимизда катта эътибор қаратилаётганлигини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берди.

— Юқорида айтилган фикрларга давлатимизда фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинганлиги ҳам яққол мисол бўла олади, — деди биз билан суҳбатта Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев. — Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритишлари учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, 2011-2013 йилларга мўлжалланган Вазирлар Маҳкамаси, ЎзКУФК ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув касаба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдаги фаолияти самарадорлигини оширишга кенг имконият яратяпти. Жамоа шартномалари, тармоқ ва тариф келишувларига Бош келишувда эътироф этилган имтиёз ва кафолотлар тўлалигича киритилмоқда.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга касаба уюшмалари мутахассисларидан батафсил жавоб олдилар.

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

●Ҳисобини билганлар

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида 5500 нафар йигит-қиз турли мутахассисликлар бўйича сабоқ олади. Институт ректорати ва касаба уюшма қўмитаси чуқур билим бериш, амалий машғулотларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш баробарида талабаларнинг яхши дам олишлари ҳамда овқатланишлари учун ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётир. Жумладан, институт ошхонасида талабалар учун 50 фоиз арзонлаштирилган таомлар тайёрланмоқда. Хўш, бундай имкониятга қандай қилиб эришилди, деган савол туғилиши табиий.

Ғамхўрлик

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 сентябрдаги «2010-2011 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага ғамлаш (закладка) тўғрисида»ги баённомаси ҳамда шу асосдаги вилоят ҳокимлиги топшириғини бажариш борасидаги ҳаракатларимиз яхши самара берди, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Шукрулло Очилов. — Амалий ишлар жараёнида Самарқанд, Хоразм, Бухоро вилоятлари фермер хўжаликларидан шартнома асосида 100 тоннадан ортиқ картошка, пиёз, сабзи, карам, гуруч каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини вақтида харид қилганимиз айни муддао бўлди...

Ғамланган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми қиш мавсуми бошланиши билан институт профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимларига тарқатилган, қолган маҳсулотлар эса талабалар ошхонаси омборхонасига киритилганди. Ана шу захира бугун талабалар учун асқотиб, таннархни бирмунча арзонлаштириш имконини бермоқда.

И. ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

●Давра суҳбати

Келинг, очиқчасига гаплашайлик

«Янгийўл пахта тозалаш» корхонасида ўтказилган тадбирда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Тошкент вилояти кенгаши вакиллари, «Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси тасарруфидаги корхоналар техник хавфсизлик муҳандислари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирок этди.

— Мақсадимиз иш жараёнидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдир, — деди «Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси раиси вазифасини бажарувчи Баҳодир Мансуров.

— Ютуқлар оз эмас, бироқ кўнгилга ғашлик солувчи қусурлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Техник хавфсизлик муҳандиси ўз вазифасига масъулиятсизлик қилган жойда ҳамма нарса юз бериши мумкин, — деди Агросаноат мажмуи ходимлари Тошкент вилоят кенгаши раиси Бахтиёр Холмирзаев. — Ўтган 3-4 йил ичида тўққиз киши иш жойида бахтсиз ҳодиса қурбони бўлди. Уларнинг икки нафари бевосита пахта саноати тизимидаги корхоналарда меҳнат қилишарди.

Демак, масъулият ва назоратни кучайтириш лозим.

— Шу ўринда бир мисол. Риштондаги пахта заводида ишлайдиган ишчи-ходимлар раҳбарни кўриб қолишса, салом бериб ўтиб кетаверишади, бироқ техник хавфсизлик муҳандисини учратиб қолишдан беҳад чўчишади. Сабаби, муҳандис ишчиларга ниҳоятда талабчан. Назорат кучли бўлганлиги боис мавжуд технология ҳамиша беқусур ишлайди. Ҳар ким ўз ўрнида ҳушёр, — деди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши меҳнат муҳофазаси бўлим мудири Равшан Фозилов. — Тўғри-да, кичик бир эътиборсизлик катта кулфатларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, 200 сўмлик ишчи қўлқопи арзимас нарса, лекин уни киймасдан ишлаб бўлмайди. Борди-ю, таваккалчилик қилиб, қўлқопсиз иш бажарилса-ю, қўллар жароҳатланса-чи? Ишчи-ку, жабр чекади, аммо тўланадиган товон пули ҳам ҳазилакам бўлмайди. Ундан кўра, эҳтиёт чораларини олдиндан кўриш ҳар жиҳатдан маъқул. Демак, ҳар бир корхона ўзининг чора-тадбирлар режасига меҳнат муҳофазаси учун сарф-харажатлар сметасини киритиши шарт.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши мутахассиси Ҳусан Бегматов Меҳнат кодексидаги мавзуга тегишли модда ва бандлар билан таништирар экан:

— Қонундан четга чиқиш, уни бузишдир, — деди. — Ҳар бирингиз буни яхши билишингиз, иш столингиз устида меҳнат қонунлари, зарур қўлланма ва йўриқномалар туриши шарт.

— Тизимимиздаги корхоналар асосан тўққиз ой ишлайди, техника хавфсизлиги муҳандиси шу давр ичида ҳар куни корхонани айланиб чиқиши, хавфсизлик чораларини кўриши, назоратни кучайтириши лозим,— деди «Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Аҳмаджон Усмонов.— Аввало, у ўз ишини жуда яхши билиши, мабодо техник камчилик сезса, дарҳол иш берувчини ёзма равишда огоҳ этиши зарур.

Шунингдек, экологик ҳолатни ҳам четга суриб бўлмайди. Иш жойларининг озода ва соз бўлиши саломатлик учун жуда муҳим. Бинобарин, чанг-ғубор хасталиклар келиб чиқишининг бош сабабидир. Бундан ташқари, ишчи малакаси ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Малакасиз, зарур техник тайёргарликка эга бўлмаган ишчини дастгоҳ олдига келтириш, кўра била-туриб, уни бахтсизлик сари йўналтириш демакдир.

— Корхоналарда аттестация ўтказиш керак, — деди тадбир иштирокчиси Б.Усмонов. — Шундан кейингина ишчиларнинг ўз вазифасига лаёқати ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бундан ташқари, суғурта масаласига ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Айрим иш берувчилар негадир бу масалада шошилмаяпти. Агар суғурта бўлмаса, бахтсиз ҳодиса туфайли жабр кўрган киши ёки унинг қариндошларига товон пули асосий айбдор томонидан ундирилиши лозим. Амалда эса товон пули корхона зиммасига тушаяпти.

— Бугунги тадбир барчамиз учун фойдали. Инсон ҳаётда фақат бир марта яшайди. Жумладан, ишчи ҳам... Биз касаба уюшма ходимлари уларнинг ёнида туриб, оғирини енгил қилишни ўйлаймиз,— деди АСМнинг Чиноз туман кенгаши раиси К.Носиров. — Меҳнат муҳофазаси ҳам бевосита вазифаларимиз сирасига киради.

Шу ҳолатда бир мисолни эслаш ўринли. Талабалик кезлари амалиёт ўташ учун тўқимачилик комбинатига бориб турардик. Эшикдан киришимиздан олдин махсус иш кийимлари кийдирилар, сочлар йиғиштирилар ва шундан сўнггина ичкарига киришга рухсат этиларди. Ёруғ ва шинам хоналарда меҳнат қилаётган ишчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини техник хавфсизлик муҳандислари ҳушёрлик билан назорат қилиб турганининг гувоҳи бўлганмиз. Менимча, ҳозир ҳам айнан шундай ишлаш керак.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат муҳофазасига доир давра суҳбати қизиқарли ўтди.

Давра суҳбатини «Ishonch» мухбири Шарофат НОРҚУЛОВА ёзиб олди

○«Инсонга наф келтириш – олий бахт» танловига

«Меҳр аввал

Таълим ва фан ходимлари Сурхондарё вилоят

— Таълим ва фан ходимлари вилоят касаба уюшма кенгаши ўз сафига 186099 нафар аъзони бирлаштирган. 17 та жамоа келишуви, 1079 та жамоа шартномаси орқали уларнинг манфаатини ҳимояга олган экан. Айтингчи, ижтимоий шерикчилик тамойиллари қандай ҳал этилмоқда?

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг IV Қурултойлари олдимизга катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Натижада, касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ режалар белгиладик. Кам таъминланган, ногирон, кўп болали ходимлар иш берувчилар билан ҳамкорликда ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Тармоқ кенгашимиз томонидан эса 2587 нафар кам таъминланган оилага, боқувчисини йўқотган ёлғизларга, 1580 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди.

«Меҳр аввал биздан бўлсин» деган шиор фаолиятимиз мезонини ташкил этмоқда. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Термиз шаҳридаги «Н» қисмининг ҳарбий хизматчиларига байрам дастури уюштирилиб, совғалар улашилди. 1079 та бошланғич ташкилотда «Балли, шунқорлар» кўрик-танлови ўтказилиб, ғолибларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Хотин-қизлар байрамида мунис онажонларимиз, дилбар опа-сингилларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладик. «Она соғлиги — юрт бойлиги» деб номланган аёллар спорт мусобақаси уюштирилди. Унда иштирок этган 204 нафар хотин-қизга қимматбаҳо эсдалик совғалари улашдик.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ҳар бир юртдошимиз 20 тупдан кўчат ўтқазиш тўғрисидаги ташаббусига жавобан тармоқ кенгаши қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Касаба уюшмаларининг ташаббуси тармоқ ходимлари, айниқса, олийгоҳлар, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида, мактабларда кенг қулоч ёйди. Эзгу ишда ҳар бир касаба уюшма аъзоси ўз ҳиссасини қўшаётгани қувончлидир. Тармоқ касаба уюшмаси Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан Термиз шаҳридаги Ал Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи ҳудудидан ер олиб, боғ ташкил этди. Боғда 300 тупдан зиёд мевали ва манзарали ниҳоллар ўтқазилди. Кўчатлар орасига анвойи гуллар экилди. Бундай хайрли тадбир вилоятдан туманларга кўчди. Узун туман халқ таълими бўлими жойлашган ҳудуддаги ташландиқ ерда касаба уюшмаси боғи ташкил этилиб, 105 туп хурмо, гилос, олча, ўрик кўчатлари экиб, парваришланмоқда. Бу ишда Қурбоной Иззатова, Хайринисо Муқимова, Турдихол Бўронова сингари, 3-, 12-, 23-умумтаълим мактабларининг бошланғич касаба уюшма етакчилари бошқаларга намуна бўлишди. Шунингдек, Олтинсой, Қумқўрғон, Денов, Жарқўрғон ва Шўрчи туманларида ҳам касаба уюшма боғлари барпо этилди.

— Наврўзда халқимизнинг бунёдкорлик, саховатпешалик ва ўзаро ҳамкорлик фазилатлари намоён бўлади. Тармоқ касаба уюшма ташкилотларида ижтимоий-ҳимояга муҳтож ходимларга байрам муносабати билан қандай моддий ёрдам кўрсатилди?

— Аввало, соҳада узоқ йил фаолият кўрсатган фахрий устозлар, бетоб бўлиб қолган ҳамкасблар ҳолидан хабар олинди. Тармоқдаги ҳар бир касаба уюшма етакчилари уларнинг уйига бориб, байрам совғалари тортиқ қилишди. Вилоят кенгаши ҳар бир тумандан 10 нафардан ортиқ ижтимоий кўмакка муҳтож ўқитувчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари улашди. Қолаверса, шундай улуғ айём кунларида Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига, Денов туманидаги 67-, Шўрчи туманидаги 68-, 122-ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчиларига ҳомийлик ёрдами кўрсатдик.

Байрам муносабати билан ҳар бир бошланғич ташкилотда касаба уюшмаси ташаббуси билан «Сумалак сайли» ўтказилиб, турли спорт ўйинлари уюштирилди.

Вилоят кенгашида Янги йил, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрами, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Рамазон ҳамда Қурбон ҳайитларида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилиб, илғорларни рағбатлантириш йўлга қўйилган.

— Спорт-соғломлаштириш масалалари ҳам касаба уюшмалари назоратида. Бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилган?

— Тармоқ ходимларини жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. Шуни ҳисобга олиб ҳар йили вилоятда халқ таълими ходимларининг анъанавий спартакиадасидан ташқари, аёллар, байналмилалчи жангчилар спартакиадалари, «Полвон ота, эпчил она, соғлом бола» шиори остида оилавий спорт мусобақасини ўтказамиз. Яна, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, ТерДУ профессор ўқитувчилари ўртасида турли спорт мусобақалари уюштирилади.

Бундан ташқари, вилоят кенгашимиз ташаббуси билан Термиз шаҳри ҳамда барча туман бирлашган қўмиталарида марҳум устозларнинг хотирасига бағишланган спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Жумладан, Термиз педагогика коллежининг собиқ директорлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар А.Ҳурматов ҳамда И.Ҳимматов хотирасига бағишлаб шахмат турнирлари, Д.Анаев ҳамда М.Алладўстовлар хоти-

Ishonch
2011-yil 2-aprel № 42 (2923)

Нафақадорлар учун

Полосон қишлоғидаги туман матлубот уюшмасига қарашли 3-дўконда бир гуруҳ нуронийлар тўпланиб қолганига гувоҳ бўлдим.

— Тинчликми? Нечук ёши улуғлар бу ерда? — дея мурожаат қилдик дўкон мудири Абдували Жалоловга.

— Дўконга янги моллар келган эди, қариялар пластик карточкага харид қилиш учун келишган.

Дўконни кўздан кечирамиз. Пештахталарда сабзи, пиёз, картошка, гуруч, гўшт каби озиқ-овқат маҳсулотлари. Ҳаммаси сифатли, янги. Бир томонда олма, беҳи, мандарин каби турли мевалар. Дўкон маҳсулотлари кўплиги, сифати, сони жиҳатидан шаҳар бозорларидан ҳам аъло, ҳам арзон...

Бечиқким, арзон ва қулай

— Олтиариқ туманидаги «Агробанк», «Халқ банки», «Асака банк» бўлимлари ўзаро келишувга мувофиқ туман қишлоқларида нафақадорларнинг пластик карталарига пул юклаш шохобчаларини ташкил этдик, — дейди «Агробанк» туман бўлими бошлиғи Акрамжон Шодмонов. — Бундай шохобчалар тумандаги 22 та савдо дўконида, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси, меҳмонхоналар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, юқоридаги банклар ва уларнинг шохобчалари, туман алоқа бўлимларида ишлаб турибди. Биргина бизнинг «Агробанк» туман тизимининг ўзида ойига 178-200 миллион сўм атрофидаги пенсия пуллари пластик карточка тарзида тўланмоқда. Нафақадаги фуқароларга пластик карточка билан савдо қилишни яхшилаш ниятида бир мунча ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, пластик карточкага савдо қиладиган дўконларда пенсионерлар билан муносабат яхши йўлга қўйилган.

— Биз хонадонимизга яқин бўлган мана шу дўконга бириктирилганмиз, — дейди нафақадаги отахон Фиёсиддин Салоҳиддинов. — Пластик карточкага харид қилиш учун дўконда барча шароит мавжуд. Яна бир муҳим хусусияти шундаки, нафақадагиларга пластик карточка орқали хизмат кўрсатадиган барча дўконларда маҳсулотлар баҳоси бозордаги ўртача нархдан беш фоиз арзон юради. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда аҳолининг кундалик эҳтиёж моллари, бошқа товарлар сотиб олишда пластик карточка, шу каби нақд пул ўрнини босувчи воситалардан фойдаланишади. Бу эса мамлакатдаги молиявий аҳволни яхшилашга хизмат қилади.

Ҳа, Олтиариқ туман матлубот уюшмаси очиқ акциядорлик жамияти вилоят деҳқон бозорлари, мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликларидан маҳсулот харид қилиб, уларни ўз дўконлари орқали пластик карточкага сотиш амалиётини жорий этган. Дўконларда терминаллар бехато ишлаб турибди. Айни пайтда пенсионерлар дўконга келиб ҳам пластик карточкасига пул туширади, ҳам харид қилади. Ҳозирги пайтда тумандаги 18 та дўконда шундай амалиёт қўлланиляпти. Олтиариқ туманида шу кунларда 4 минг нафарга яқин нафақадагилар пластик карточка билан савдо қиладиган, ўзлари бириктирилган дўконлар хизматидан фойдаланишяпти.

Вилоятдаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам нафақадагиларга пластик карточкалар орқали имтиёзли хизмат кўрсатувчи дўконлар сони ошиб бормоқда. Масалан Тошлоқ туманида худди шундай хизмат кўрсатувчи 11 та дўкон 20 мингдан ортиқ нафақадагиларга намунали хизмат қилаяпти. Вилоятда феврал ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 187 минг дона кўп пластик карточка муомалага чиқарилган. Вилоят «Деҳқон бозорлари» уюшмаси ташаббуси билан ўн тўққизта шаҳар ва туманлар деҳқон бозорлари қошида фақат пластик карточкаларга озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи савдо расталари ташкил этилди.

— Фарғонанинг барча шаҳар ва туманларидаги коммунал идораларда, АТС ва уяли алоқа хизмати корхоналарида, дорихоналар, дўконлар ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларида 7 мингдан ортиқ терминал ўрнатилган, — дейди вилоят Марказий банки масъул ходими Расулжон Шаропов. — Шу йилнинг ўзида нақд пул тушумига эга бўлган ва инкассация билан шартнома тузган барча хўжалик юритувчи субъектларга тўлиқ терминал ўрнатиш режалаштирилган. Бундан ташқари, қўшимча терминаллар ажратилиши бўйича республика тижорат банкларига талабномалар берилган. Нуронийлар учун пластик карточкалар орқали имтиёзли хизмат кўрсатиш дўконлари сони 200 дан ошиб кетди. Бу харидорларга замонавий, маданий савдо хизмати кўрсатишнинг ҳар тарафлама қулай усули бўлиб қоляпти.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Анжуман

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда юртимизда фаолият юритаётган қатор ноисломий диний ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари учун «Диний бағрикенглик ва динлараро муносабатлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманни очар экан, қўмита раҳбари О.Юсупов Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиб ўтди. Матбуот конференциясида Дин ишлари бўйича қўмитанинг виждон эркинлигини таъминлаш ва жамиятда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти икки асосий тамойилга, яъни диний ташкилотларнинг ички ишига аралашмаслик ва улар билан икки ёқлама самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга асосланиши таъкидланди. Мустақиллик йилларида республикамизда юзлаб масжидлар, черковлар, синагога ва ибодат уйлари қурилди, қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги «Ҳазрати Имом» мажмуи, турли вилоят марказларидаги жоме масжидлар, Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларидаги православ черковлари, шунингдек, пойтахтимиздаги католик черкови ва буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман апостол черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Диндорлар ўз эътиқодлари билан боғлиқ барча ибодат ва маросимларни эмин-эркин бажариб, диний байрамларини кенг кўламда нишонлаб келишмоқда.

Диний бағрикенглик

Халқимизнинг диний бағрикенглик ғояларига содиқ эканлигининг яққол ифодаси сифатида республикамизда БМТнинг 2010 йил 20 октябрда «Феврал ойининг биринчи ҳафтасини «Диний муносабатларни уйғунлаштириш ҳафтаси» деб эълон қилиш ҳақида»ги резолюциясига монанд равишда феврал ойида динлараро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган кенг қамровли тадбирлар ўтказилганини кўрсатиш мумкин. Жумладан, «Имом Бухорий» халқаро маркази, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли ислом ўқув муассасалари, православ семинарияси, яҳудийлар синагогаси ва буддавийлик ибодатхоналарида диний бағрикенгликни тараннум этишга бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Маълумот тарзида айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб фуқаролар Конституциямиз кафолатлаб берган тенг ҳуқуқлилик асосида ягона оиладек демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида бирлашганлар.

— Халқимизнинг маънавий қадриятлари, ислом маданияти ҳамда маърифатини тиклаш, ривожлантириш, тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳ, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш йўналишида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — деди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. — Ислом динини турли иғво ва бўҳтонлардан ҳимоя этиш, ўсиб келаётган авлодга унинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик ва меҳр-мурувватлик ғояларини сингдиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Анжуманда, шунингдек, республикада 2000 дан зиёд масжид фаолият юритаётгани баробарида улар мусулмонларнинг диний эҳтиёжларини тўла-тўкис қондираётгани таъкидланди. Минглаб талабалар замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юртларида таҳсил олаётгани айтиб ўтилди. Ўзбекистоннинг диний мутахассислар тайёрлаш борасидаги тажрибаси бошқа мусулмон мамлакатларига намуна бўлмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси митрополити Владимир, Рим-католик черкови епископи Еже Мацулевич, Арман апостол черкови руҳонийси Артак Лорецян ва бошқалар республикамизда конфессияларо дўстлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кўпқиррали ишларга юксак баҳо бердилар. Ўзбекистонинг жамиятда диний бағрикенгликни равнақ топтиришга қаратилган одилона сиёсати жаҳон ҳамжамиятига ибрат бўла олиши ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири



Умид Шарипов Сирдарё вилояти Ширин шаҳар марказий шифохонасининг реанимация бўлимида 1991 йилдан бери ишлаб келмоқда. Ширинликлар уни қўли енгил шифокор сифатида яхши танишади. Йил бошида мазкур шифохона замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган эди. Ҳозирда бу ноёб тиббий ускуналарни ишлатишда ёш шифокорнинг ҳиссаси катта.
Суратда: (чапдан) Умид Шарипов ҳамшираларлар Насиба Дўстназарова ҳамда Наргиза Усмонова билан беморнинг юрагини текширмоқда.

Хуршид НУРМАМАТОВ олган сурат

Хабар

Фермер хўжалиги асали

Қамаши туманидаги Манғит қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Рўзи бобо ўғли Тўра» фермер хўжалиги асалчиликка ихтисослашган. Етти хазинанинг бирини ривожлантиришга дадил қўл урган асалчилар бултур Қашқадарё бозорларига 4 тоннага яқин экологик тоза маҳсулот етказиб беришди.

— «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан 14 миллион сўм миқдорида кредит олиб, сердаромад тармоқни ривожлантиришга аҳд қилдик, — дейди хўжалик раҳбари Тўра Жўраев. — Бундан икки йил аввал 70 оила асалари парваришлаган бўлсак, ҳозирги пайтда уларнинг сони 300 дан ошиб кетди.

Асал минг дардга даво. Фермер хўжалиги аъзолари шифобахш неъматни кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилишаяпти.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

биздан бўлсин...»

касаба уюшма кенгаши раиси Холбўта ДОСОВ билан суҳбат

борасидаги қонун талабларининг бажарилиши касаба уюшмалари томонидан қандай назорат қилинмоқда?

— Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабини бажариш бўйича вилоят кенгашимиз томонидан бир мунча ишлар амалга оширилди. Мавжуд 1079 та бошланғич ташкилотда ҳар бир иш жойи учун техника хавфсизлиги йўриқномалари ишлаб чиқилди. Ходимларга меҳнат муҳофазаси бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Ҳар бир умумтаълим мактабида компютер ва ўқув синфлари, лабораториялар, устахоналар, спорт залларини табиий ва сунъий ёруғлик билан таъминлаш меъёр ҳолатга келтирилди.

Ўқув ва иш жараёнида ишлатиладиган электр асбоб-ускуналарининг хавфсиз ишлаши, шунингдек, ёнғин ва техника хавфсизлиги учун жавобгар шахслар тайинланиб, буйруқ билан расмийлаштирилган. Касаба уюшмасининг саъй-ҳаракати билан бугунга келиб, таълим муассасалари тўлиқ бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланмоқда. «Меҳнат муҳофазаси Низоми» талабларининг бажарилиши бўйича масъул шахслар эътиборини оширишга барча муассаса, ўқув юртлари, лаборатория ва бўлимларида техника хавфсизлигига оид бурчаклар, махсус хоналар ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси хоналарини жиҳозлаш ишлари ҳам касаба уюшмалари томонидан амалга оширилмоқда. Тармоқ кенгаши томонидан «Қурултой қарорлари касаба уюшма фаолиятининг мезони» мавзуида меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. Бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлиб қолганлар Қизириқ туман «Халқобод» маҳалласида яшовчи II гуруҳ ногирони Холмурод Жумаевга 29-мактаб маъмурияти томонидан 2516160 сўм, Шўрчи тумандаги 2-умумтаълим мактаби устаси Хуррам Холбоевга касаба уюшма аралашуви билан қонун доирасида 2 450 минг сўм миқдорда бир йўла бериладиган товон пуллари ундириб берилди.

Хуллас, тармоқ кенгашимиз қаерда адолат мезони бузилса, ўша жойдаги ноҳақликларни ижобий ҳал этишни ўзининг биринчи вазифаси деб билади. Узун туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси М.Жумаева, Термиз туманидаги 17-мактаби ўқитувчиси Дилрабо Ражабова, Қизириқ туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси А.Галицинага, Шўрчи туманидаги 51-мактаб, Шеробод туманидаги 13-, 28-ҳамда Бойсун туманидаги 40-, 46-мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақлари, нафақа ва таътил пулларини ундиришда ҳам кенгашнинг хизмати алоҳида.

Айни пайтда жойларда «Меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш» вилоят кўрик-танлови ўтказилмоқда.

— Маънавият ва маърифат тармоқ ходимлари учун сув билан ҳаводек зарур. Касаба уюшмаларининг бу борадаги ташкилотчилиги нималарда намоён бўлмоқда?

— Тармоқ кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотларида маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилган. Улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тавсиялари асосида жиҳозланган. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига бағишланган бурчаклар ташкил этилган.

«Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси «Камолот» ЁИҲ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари, олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Таълим муассасаларида «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Биз — Президент фарзандларимиз» мавзуларида ўтказилаётган иншолар танлови, анъанага айланиб бораётган «Нафосат», «Зулфияхоним издошлари», «Ёш қаламкашлар» кўрик-танловларида ўнлаб иқтидорли ёшлар қатнашмоқда. Шунингдек, «Диний экстремизм ва ақидапарастлик», «Терроризм ва унинг оқибатлари», «Мўйқалам гиёҳвандликни қоралайди» мавзуларида ички ишлар, прокуратура, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда Ангор туманидаги 1-, Термиз шаҳридаги 4- ва 7-, Сариосиё туманидаги 28-умумтаълим мактабларида ўтган учрашув ва давра суҳбатлари ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини ўсишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, ТерДУ, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими муассасаларида «Балли, қизлар», «Оқила қиз», «Ўзбегим маликаси», «Энг намунали талабалар ва ўқувчи ёшлар турар-жойи» кўрик-танловлари билан биргаликда «Барҳаёт анъаналар» фолклор фестиваллари ўтказилиб, ғолибларга пул ва эсдалик совғалари топширилмоқда.

Тармоқ ходимлари ва талаба ёшларни бой маданий меросимиз билан яқиндан таништиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар йили илғор ходимлар республикамизнинг қадимий Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларига саёҳатларга олиб чиқилади. Иқтидорли, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган кам таъминланган, чин етим ва ногирон талабаларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. 5066 нафар коллеж ўқувчиси Ат-Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирқ қиз каби қадамжоларга, Термиз шаҳридаги музейларга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан саёҳатга олиб борилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Солиқ ва биз

Сохта имтиёз соҳиблари

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Зангиота туман бўлими ходимлари томонидан туман ДСИдан рўйхатдан ўтган «Сифатли меҳнат» кичик корхонасининг молиявий фаолияти таҳлил қилинди.

Аниқланишича, корхона мансабдор шахслари таъсис ҳужжатлари ҳамда туман ДСИга топшириб келган ҳисоботларида корхона штат жадвалида 7 нафар ишчи-хизматчи, улардан 6 нафари турли гуруҳдаги ногиронлар эканлигини кўрсатиб келган. Бу билан Солиқ кодексининг 358-моддаси асосида тўлиқ имтиёздан фойдаланиб келган. Лекин ўрганиш даврида корхона штатида бўлган 4 нафар ногирон мазкур корхонада умуман ишламагани маълум бўлди.

Бундай йўл тутиши натижасида «Сифатли меҳнат» кичик корхонаси мансабдор шахслари қонунбузарликка йўл қўйишган ва 17 млн. 540 минг сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўлашмаган.

Ушбу ҳолат юзасидан кичик корхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига кўра айбли деб топилди.

А.САЙДАВУТОВ,
Департаментнинг Зангиота туман бўлими инспектори

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкат Отабековга укаси **Акбар ОТАБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон — шахмат марказларидан бири

Амалдаги жаҳон чемпиони ҳиндистонлик моҳир шахматчи Вишванатан Ананднинг мамлакатимизга ташрифи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунёдаги шахмат ихлосмандлари учун ҳафтанинг энг муҳим воқеаси бўлди.

Айниқса, ҳамюртимиз, 2004 йилда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган Рустам Қосимжонов билан рапид (тезкор шахмат) бўйича тўрт партиядан иборат ўртоқлик учрашувидан сўнг иккала гроссмейстер 28-29 март кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуасида мамлакатимизнинг энг кучли ёш шахматчилари билан мастер класс ўтказишгани шахмат тарихига зарҳал битик бўлди. Бир вақтнинг ўзида 20 та шахмат тахтасида ўйин олиб борган Вишванатан Ананд 15:5 (12 ютуқ, 6 дуранг, 2 мағлубият) натижасини кўрсатди. Хусусан, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ҳулкар Тоҳиржонова ва 2010 йилда Хитойда ўтказилган 8 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати ғолиби Темур Игонин амалдаги жаҳон чемпионини мағлубиятга учратишди.

Кейинги куни 22 та шахмат тахтасида ўйин олиб борган Рустам Қосимжонов баҳсида 19:3 (16 ютуқ, 6 дуранг) ҳисоби қайд этилди.

Чемпионлар ўртасидаги учрашувни бевосита кузатиш учун ташриф буюрган Халқаро шахмат федерацияси президенти Кирсан Илюмжинов юртимизда ушбу спорт турининг жадал суръатлар билан ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, юқори мартабали меҳмон шу йил кузда Тошкентда ФИДЕ президенти соврини учун Марказий Осиё Кубоги, 2012 йилда эса жаҳоннинг 12 та энг кучли шахматчилари иштирокида Гран-при сериясидаги ФИДЕ турнирини ташкил этиш режалаштирилганини, шунингдек, Тошкентда халқаро шахмат академиясини очиш борасида давлатимиз мутасадди ташкилотлари раҳбарлари билан келишувга эришилганини маълум қилди.

Албатта, бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши шахматнинг янада оммалашувига, шунингдек, юртимизда халқаро гроссмейстерлар ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши ҳамда ёш авлоднинг камол топишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Айни кунларда Термиз шаҳрида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг республика босқичига тайёргарлик қизғин.

Бўлажак мураббийлар шижоати

Чироқчи спорт ва педагогика коллежи ўқувчилари ҳам илк бор улкан спорт анжуманининг финал мусобақаларида қатнашиши мумкин.

Коллежнинг жисмоний тарбия кафедраси мудири Азамат Рўзимуродов шундай ҳикоя қилади:

— Жорий йилда 339 нафар ўқувчи биринчи қалдирғочлар қаторида таълим масканини тугатади. «Баркамол авлод» спорт баҳсларига келсак, дастлаб коллежнинг ўзида саралаш мусобақалари ўтиб, терма жамоаларни аниқлаб олдик. Коллежимиз минтақавий мусобақаларнинг футбол, кураш ва стол тенниси беллашувларига мезбонлик қилди. Айниқса, футбол баҳсларига қизиқиш юқори бўлди. 11 та жамоа беллашуви якунига кўра, тарбияланувчиларимиз финалда Қоратепак қурилиш касб-ҳунар коллежи жамоасига рўбарў келди. Қизиқарли ўйинда — 3:0 ҳисоби қайд этилди. Мусобақада Жаҳонгир Бекмуродов, Элбек Ботиров, Отабек Гадоев, Шаҳбоз Боймуродов каби футболчилар ўзини кўрсатишди. Улар вилоят термасини ҳам кучайтириши мумкин.

Чироқчи транспорт касб-ҳунар коллежида ўтган волейбол беллашувларида Жаҳонгир Эшонқулов мураббийлигидаги жамоамиз ғолиб бўлди. Курашчимиз Сардор Абдураимов вилоят босқичида 71 кг.вазн тоифаси бўйича барча рақибларидан устун келди.

Коллежимиз талабалари бундан кейин ҳам яхши натижалар кўрсатишади деб ўйлайман.

А. АБДИЕВ

СПОРТ салтанати

Рақибларимиз — «эски танишлар»

AFC
Asian Football Confederation

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК) штаб-квартирасида 16 ёшгача ўсмирлар ва 19 ёшгача ёшлар терма жамоалари ўртасида ташкиллаштириладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичи, 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар учун 2-саралаш босқичи ҳамда 2014 йилда Бразилияда ўтказилиши режалаштирилаётган Жаҳон чемпионатининг биринчи ва иккинчи саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

«AFC U-16» – Марказий Осиё бир гуруҳда!

Ушбу мусобақада иштирок этиш учун 40 та миллий ассоциация ариза топширганди. Қизиқ томони, Марказий Осиё жамоалари — Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон «С» гуруҳидан ўрин эгаллашди. Туркманистон эса мусобақада иштирок этиш учун ариза топширмаган. Шунингдек, Баҳрайн ва Ҳиндистон терма жамоалари ҳам шу гуруҳдан ўрин олишди.

«AFC U-19» ёшларимиз ҳам «С» гуруҳида

Аҳмаджон Мусаев бошчилик қилаётган ўсмирларимиз Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркманистон ва Афғонистон терма жамоалари билан «С» гуруҳини ҳосил қилишди. Қувонарлиси, Афғонистон футбол жамоалари ҳам халқаро мусобақаларда иштирок этадиган бўлишди.

Саралаш ўйинлари бир даврали тизимда битта давлатда ўтказилади. Мезбон давлатлар номига кейинчалик аниқлик киритилади.

Олимпиада йўлланмаси

Футбол бўйича олимпия терма жамоамиз 2-саралаш босқичида Гонконг термаси тўсиғини енгиб ўтиши керак бўлади. Дастлабки ўйин 19-июн куни Тошкентда, жавоб учрашуви 23-июн куни Гонконгда ташкиллаштирилади.

ЖЧ — 2014 саралашдаги рақибимиз — Қирғизистон

Маросимнинг энг сўнгги қуръаси ЖЧ — 2014 саралаш тизимининг 1- ва 2-босқич ўйинларига тегишли бўлди. Қуръа натижасига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси Қирғизистон терма жамоаси билан куч синашади. Қирғизистон жамоаси саралашнинг дастлабки босқичидан озод этилганди. Ўйинлар 23 ва 28 июл кунлари бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз

КИСКАЧА

САМБО. Туркманистоннинг Ашхабод шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида ҳамюртларимиздан Шавкат Жўраев, Шоҳруҳ Кўчқоров, Суннатулло Азимов, Дамир Муҳидов, Равшан Тўрақулов, Жонибек Муқимов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Хотинқизлар ўртасидаги беллашувларда Обида Оллодўстова ва Шаҳло Йўлдошева олтин медални қўлга киритди.

***

МУАЙТАЙ. Таиландда муайтайнинг WMF йўналиши бўйича ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари еттитадан олтин ва кумуш ҳамда тўрт бронза, жами ўн саккиз медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

Маликалар турнири

Навбаҳор туманидаги «Бешработ» болалар спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича турнир бўлиб ўтди. Унда 1996-1997 йилларда туғилган қизлар иштирок этишди. Туман ҳокимлиги ва «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа қизғин кечди. Беллашувда 9-БЎСМ жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Раъно ИСМАТОВА,
Таълим ва фан ходимлари
Навбаҳор туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда Республикада футболнинг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш ҳамда ходимлар ўртасида футболнинг оммавийлигини ташкил қилиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Олий ва ўрта махсус билим юртлари талабалари ўртасида мини-футбол мусобақасини ўтказди.

Саломатлик гарови

Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган ушбу мусобақада Бухоро тиббиёт институти талабалари биринчи, Фиждувон ва Бухоро тиббиёт коллежлари талабалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолиб жамоалар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси

Яшил майдон сари йўл

ёхуд «Нефтчи» болалар футбол мактабидаги ўзгаришлар

Фарғона шаҳридаги «Нефтчи» футбол клуби тасарруфидаги БЎСМ яшил майдонида футбол билан шуғулланаётган болаларни кўриб, ўзимнинг пахта далаларида ўтган болалигим эсимга тушди.

Нима ҳам дердим, оддий қишлоқ боласининг футболчи бўлиш орзуси замонасоз ўқитувчимизнинг кулгусига сабаб бўлгани рост.

Футболга қизиқишим туфайли география фанини чуқур билиб олдим. Чунки машҳур жамоалар дунёнинг турли минтақаларидан бўлиб, футболдан сўнг, албатта, харитадан ўша шаҳарларни қидириб топардим. Футбол бугун чин маънода миллионлар ўйини бўлиб қолмоқда. Футбол индустрияси шаклланмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек футболига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Айниқса, ёш авлодга яратилган шароитларни кўриб ҳавасимиз келади. «Бунёдкор», «Пахтакор», «Машъал», «Насаф», «Андижон» футбол жамоалари қошидаги футбол академиялари бунга яққол мисол бўла олади. Бугунги ёш футболчилар эртанги «юлдузлар» бўлиши мумкин. Бунинг учун шароитлар етарли.

«Нефтчи» жамоасида ҳам болалар футболига эътибор кучайгандан кучайиб бормоқда. Ушбу клубга тегишли болалар футбол майдони яқинда таъмирдан чиқарилди.

Ўзбекистон футбол Федерацияси томонидан 1,5 млрд. маблағ сарфланиб, сунъий қопламали майдон, 600 ўринли томошабинга мўлжалланган трибуна, ечиниш, ювиниш хоналари болажонлар ихтиёрига бериб қўйилди.

— Стадион таъмирланганидан сўнг футбол мактабимизда шуғулланиш истагида бўлган болажонлар сони кескин кўпайди, — дейди мураббий Д.Алижонов. — Ҳозир БЎСМда 420 та ёш футболчига 12 нафар мураббийимиз футбол сирларини ўргатмоқда. Ёз-баҳор мавсумида очиқ майдонда бемалол шуғулланиш мумкин, аммо куз-қишда бизга ёпиқ арена жуда зарур. Бу масала яна бир бор кўриб чиқилса, яхши бўларди.

Албатта, «Нефтчи» профессионал футбол клуби мутасаддилари ҳам бошқа академиялар сингари ёш футболчиларга етарли шароитлар яратишига ишонамиз. Бугунги таъмирлашлар хайрли ишларнинг бошланиши холос. Ҳозирча мазкур ўйингоҳда эртадан кечгача болажонларнинг маза қилиб футбол ўйнашлари ва шуғулланишлари учун шароит етарли.

— Мен шу атрофдаги ихтисослаштирилган мактабда ўқийман. Дарсдан сўнг бу ерда мураббийлар қўл остида шуғулланаман, — дейди ёш футболчи Иззатжон Норбоев. — Ўзим асли Фурқат туманиданман. Футболни жуда яхши кўраман. Бизга қулай шароитлар яратиб берганларга раҳмат айтмоқчиман.Келажакда «Нефтчи» клубида ўйнаб, етук футболчи бўлиш орзуим бор.

Орзуга айб йўқ. Зеро, юртимизда ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар етарли.

Суратда: «Нефтчи» болалар футбол мактаби тарбияланувчилари.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay’ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova

Navbatchi:
Sh. Abdusamadov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshiriш vaqti - 21.40
Topshirildi -21.40

Буюртма Г — 451

20513 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4